

Жиззах Вилояти

ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА



Президентимизнинг 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони Жиззах ва Сирдарё вилоятлари саноатини изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Фармон ижроси доирасида ўтган даврда 61 миллион 800 минг АҚШ доллари миқдориде инвестиция йўналтирилиб, 12 та ишлаб чиқариш қуввати фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу корхоналарнинг саккизтаси Жиззах, 4 таси Сирдарё вилоятида юзага келтирилди.



“ЖИЗЗАХ” МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИДА

Ўтган йилнинг сўнги кунларида ҳудудда яна бир истикболли корхона — “Diamond carpet” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Маҳаллий “Evgoasia carpet” корхонаси томонидан ташкил этилган мазкур ишлаб чиқариш муассасаси йилга 3 минг тонна пропилен ип, 1 миллион 200 минг метр квадрат гилам тайёрлаш қувватига эга. Корхонанинг барпо этилиши ва замонавий технологиялар билан таъминлаши учун 6 миллион 440 минг АҚШ доллари миқдориде сармоя жалб этилди.

— 3 миллион 300 минг АҚШ доллари эвазига Германиядан пропилен ип ишлаб чиқарадиган энг

сўнги русумдаги ускуна келтирилди, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Шерзод Салимов. — Мазкур дастгоҳда бир кунда 10 тоннагача маҳсулот тайёрлаш мумкин. Бошқа ускуналаримиз ҳам Европа давлатларида ишлаб чиқарилган. Хусусан, газ конденсаторидан ип тайёрлаш ҳамда бўяш ускуналаримиз жаҳон андозаларига мос бўлиши билан бирга экологияга мутолақа зарар етказмайди. Сифатини ҳисобга олган ҳолда келажакда маҳсулотларимизнинг 50 фоизини экспорт қилишни мўлжаллаялган. Шу мақсадда бозор талабларини ўрганишга қаратилган маркетинг тадқиқотларини бошлаб юбордик.

Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикасидаги “Успорт” газ қимматли маҳсулоти фаолияти йўлга қўйилгунча пропилен доначалари мамлакатимизга Эрон давлатидан келтирилган эди. Мазкур хомашё ўзимизда тайёрлана бошлагач, мамлакатимиз саноат қувватлари, хусусан, “Diamond carpet” ҳам хоризжикига нисбатан 30 фоиз арзон хомашё олиш ва хоризжик валяютасини тежаш имкониятига эга бўлди. Айтганча, “Diamond carpet” масъулияти чекланган жамиятининг пропилен иплари, тўқш ва бўяш ускуналари гиламларнинг пишиқ ва рангдор бўлишини таъминлаяпти. Бу эса корхонанинг экспорт имкониятла-

рини ошираётир. Жумладан, корхонада ишлаб чиқарилган 600 минг АҚШ доллари қилатидаги биринчи туркум гилам маҳсулотлари Қозғоғистонга сотилди. — Корхонаимизнинг технологик имкониятлари дунёнинг энг илғор ишлаб чиқариш қувватлариники билан бир хил, — дейди ишчи Бекзод Сиддиқов. — Жумладан, гилам тўқш дастгоҳларимиз Белгияда тайёрланган. Жиззах политика институтини тамомлаб, ўз мутахассислигим бўйича иш топганим олий ўқув юртида олган назарий билимларимни амалиётга самараларни қўллаш ва ўзим хоҳлаган йўналишда ишлаш имконини берди. Бу ерда фаолият кўрсатаётган 20 на-

фар йигит-қизнинг барчаси ҳудудимиздаги олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

Айни вақтда “Жиззах” махсус индустриал зонасида автомобил-созлик, енгил саноат, электротехника, қурилиш маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бундан ташқари умумий қиймати 77 миллион 400 минг АҚШ доллари бўлган 11 та лойиҳа устида иш олиб бориляпти. Яъни, ушбу иншоотларда қурилиш-монтаж ва ускуналарни ўрнатиш қизғин давом этаётир.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.
Бекйўлат TOFAEB олган суратлар.

ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Маълумки, Президентимиз 2015 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида депутатлар олдига қонун ижодкорлиги ва унинг ижро механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан қатор вазифаларни қўйдилар. Шундан келиб чиқиб, депутатлар томонидан мазкур йўналишда тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, якунланган йил давомида қўйи палата қўмиталарида амалдаги қонунлар қайта инвентаризациядан ўтказилиб, улардаги баъзи камчиликлар, бугунги кун талабларига мос бўлмаган жиҳатлар аниқланди. Қонунчилик тизимига зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича самарали ишлар қилинди. Шунингдек, янги қонунлар устида ишлаш, уларни қабул қилишда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, янги тахрирда қабул қилинган “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мисолида ҳам бунинг яққол тасдиғини қўриш мумкин.

Қонунга киритилган янгилликлар, мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, унда белгиланган нормаларнинг аҳамияти хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва соҳа мутахассисларига бир неча саволлар билан мувожаат этдик.

ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ВЕТЕРИНАР ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Савол: Соҳага оид қайси муносабатларда “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги тахрирда қабул қилишга зарурат сезилди?

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси:

— “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида, яъни 1993 йилнинг 3 сентябрида қабул қилинган бўлиб, унда белгиланган қатор нормалар бугунги кун талабларига мос эмасди. Хусусан, қўмитамиз томонидан мазкур Қонун нормалари инвентаризация қилинганда, ветеринария хизматининг бошқа вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлик қилиш тартиби белгиланмаганлиги, давлат ветеринария хизматининг бошқа вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлик қилиш тартиби белгиланмаганлиги, давлат ветеринария хизматининг бошқариш тизимининг такомиллашмагани, соҳада қўлланладиган дори воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи меъёрларнинг мавжуд эмаслиги аниқланди. Шунингдек, Қонунда соҳа оид назорат тизимининг ҳуқуқий асослари, но-

буд бўлган ҳайвонларни утилизация қилиш механизми, ҳайвонларнинг жасади ва ички органларини утилизация қилиш пунктлари устидан назорат тизимини ўрнатиш механизмлари кўрсатилмаган, биологик чиқиндиларни йўқ қилиш ва зарарсизлантириш ҳамда улар қўмилган жойлар устидан назорат олиб бориш қоидалари белгиланмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси асосида киритилган Қонуннинг янги тахрири эса соҳани такомиллаштиришга қаратилган ўндан ортиқ янги моддалар билан бойитилди. Мазкур нормаларни киритишда миллий ва халқаро қонунчилик тажрибалари ўрганиб чиқилди, эксперт гуруҳи аъзолари билан атрофини муҳомама қилиб олиб борилди. Ўтган давр мобайнида амалдаги соҳага оид қўллаб ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та фармон ва 4 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 23 та қарори, 10 та идоравий ҳақида ветеринария соҳасида ҳамкорлик қилишга қаратилган 2 та халқаро келишув ҳужжатлари ўрганиб чиқилди. (Давоми 2-саҳифада)

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари ҳамкорлигида 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан телемулоқот ташкил этилди. Қарши шаҳридаги телестудияда Сирдарёда хизмат бурчини ўтаётган қашқадарёлик аскарларнинг ота-оналари ҳамда Қашқадарё вилоятида хизмат қилаётган сирдарёлик йигитлар жам бўлишди. Гулистонда эса қашқадарёлик йигитлар ҳамда сирдарёлик ота-оналар йиғилишиб, ўз яқинлари билан экран орқали дийдорлашди.

ШИРИН ДИЙДОР, ЗАВҚЛИ МУЛОҚОТЛАР

Телемулоқот давомида давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини раҳнамолигида Миллий Армиямиз қисқа вақт ичида мукамал тузилмага айлангани алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда Миллий Армиямиз ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялайдиган жасорат ва матонат мактабига айланди. — Гулистон шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида ҳарбий хизматни ўтаган, — дейди Қарши туманилик Музаффар Муродов. — Ушбу телемулоқот орқали ота-онам билан дийдорлашдим. Уларнинг соғ-омон эканликлари, армиядаги ютуқларимдан кўнглиларимиз фахру гурурга тўлганини қўриб жуда қувондим. Байрам олдидан ўтказилган ушбу телемулоқот биз учун катта совға бўлди. — Кейинги йилларда ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оилаларини ижти-

мойи ҳимоя қилиш, уй-жой билан таъминлаш, яшаш ва меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди, — дейди Қарши шаҳрилик Мухайё Уроқова. — Фарзандларимизга йиғитлик бурчини бекам-қўст адо этишлари учун барча имкониятларни яратиб берган Юртбошимизга раҳмат! — Биз ҳам бир вақтлар армияда хизмат қилганмиз, — деди қашқадарёлик Бекмурод Авлиев. — У пайтлар ҳаммамни бирваракайига чақирарвердик. Бугунги аскарларимизнинг устунлиги шундаки, улар сараланган. Ўғлим Суннат ҳарбий хизматга бориш учун қаттиқ тайёргарлик кўрди. Ишонсизми, эртаю кеч жисмоний машқлар билан шуғулланди, кўп китоб ўқиди. Бугун у билан суҳбатлашиб, дилим яйради. Шундай ўғлим борлигини, унинг юрт қорига камарбаста бўлаётганидан жуда фахрланамиз. (Давоми 2-саҳифада)

Қашқадарё Вилояти

СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Қарши шаҳридаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган 1 минг 594 нафар спортчи қизга Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Президентимиз совғаси — спорт кийимлари топширилди.

Қарши олимпия захиралари коллежиде ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни спортга кенг жалб этишга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2003-2015 йилларда Қашқадарё вилоятида 190 замонавий спорт иншооти барпо этилиб, зарур спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар самарасида вилоятда мунтазам спорт билан шуғулланувчи қизлар сони кўпаймоқда. Жумладан, 2011 йилда спорт билан мунтазам шуғулланувчи 6-18 ёшли қизлар 34,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 53,6 фоизга етди. — Қизлар ўртасида, айниқса, бадиий гимнастика тез оммалашмоқда, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё вилояти филиали директори Сиро-

жиддин Азизов. — Спортнинг мазкур тури билан бугунги кунда 4 минг 500 га яқин қиз мунтазам шуғулланмоқда. Вилоятдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари Луиза Ганиева, Азизахон Мирзаева, Шохсанам Нормўминова, Мубина Камолова, Дилмира Ашурова, Севинчбону Омонова, Моҳинур Эшўлтолова кабилар мамлакатимиз миллий терма жамоаси таркибиде кўплаб халқаро мусобақаларда юқори натижаларни кўлга киритди.

Бундай тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилиб, 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 16 мингга яқин спортчи қизга Президент совғалари топширилди.

Ў. БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ТАҚДИРИМ, ШУБҲАСИЗ, СЕН БИЛАН БОҒЛИҚ

Ўзбекистоннинг ўй фикрлари, орзу истаклари, турмуши, муаммолари маҳаллада намоён бўлади. Тўғрироғи, бир иш қилишдан олдин шундай ўйлашимиз: маҳалла нима деган? Айни шу фикр кўпчилигини маълум маънода тўғри йўлга солиши, хайрли ишларга ундаши ҳам бор гап.

Халқимизнинг шундай пурмаъно нақли бор: отанг маҳалла, онанг маҳалла. Дарҳақиқат, меҳр-оқибат, тинчлик-тотувлик, ўзаро маслаҳат асосида ёрдамга муҳтожларнинг ҳолидан хабар олиш, тўю томошаларни ўтказишда маҳалланинг ўзига хос ўрни, хизмати катта.

Халқимизнинг яна шундай ибораси бор: бир болага етти маҳалла ота-она. Шу маънода маҳалла жамоатчилик назоратининг — демократик тамойилларнинг амалга оширилишида муҳим вазифани бажаради. Бу, айниқса, тарбия масаласида янада равшанроқ кўринади. Маҳалланинг ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустақамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарсада билан солиштириб бўлмайд.



“Маҳалла” хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғи-

бот маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур танловда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида

амалга оширилаётган ишлар ўзифодасини топди. Хусусан, танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи иштирокчилари ўз иқтидорларини ўз маҳалласи ҳақидаги билимлари, ёшларнинг жисмонан соғлом, маънавий етуқ ва ҳар томонлама баркамол бўлиб воғга етишида маҳалланинг ўрни, “Оила — маҳалла — таълим тизимидаги аҳамияти мисолида ёрқин очиб бера олиши Танловнинг якуний натижаларига кўра, Амударё тумани “Қиличбой” овул фуқаролар йиғини жамоаси биринчи, Нукус тумани “Қрантау” овул фуқаролар йиғини жамоаси иккинчи, Қонликўл тумани “Арзимбетқум” овул фуқаролар йиғини жамоаси учинчи ўринга муносиб деб топилди. (Давоми 2-саҳифада)

БАРЧА ХЎЖАЛИК, ТАШКИЛОТ, КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР ДИҚҚАТИГА!

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

МАЪМУРИЯТИ 2015-2016 ЎҚУВ ЙИЛИДА БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА БИТИРУВЧИЛАРНИ ШАРТНОМАЛАР ҲАМДА БУЮРТМАЛАР АСОСИДА ИШ ЖОЙЛАРИГА ТАҚСИМЛАШГА КИРИШГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда ёш мутахассисларга эҳтиёж бўлса, институт Маркетинг хизмати бўлимига таклифлар беришингизни сўраймиз.

Манзилимиз: 711520, Андижон вилояти Андижон тумани Куйганёр шаҳарчаси.

Тел: (0-374) 223-90-69, (0-374) 373-11-65. Факс: (0-374) 373-13-63.



Table with columns for No, Taълим йўналишлари номи, Жами, and various departments like Agronomy, Horticulture, etc.

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚҲИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТҚАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лот-1-1: "Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги "К-5" туманлароқ коллекторни реконструкция қилиш (2-босқич)".

Лот-4-4: "Сурхондарё вилояти Қизирик туманидаги "К-4Б", "К-8Б" ва "Конгисой" коллекторларда гидротехник иншоот қуриш".

Лот-6-3: "Қашқадарё вилояти Яқкабоб туманидаги "Қайки сув хавзаси" СИУ ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш".

Table with columns: №, СТИР, Корхона номи, Суд қарори

Дунолик муҳр ва штампилари, гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлар бекор қилинади.

Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига! "UZVTORMET" МЧЖ 2012-2013-2014-2015 йиллар мобайнида топширилган қора металл парчалари ҳисобига ҳосил бўлган қарздорликни бартараф этиш мақсадида 1 ой ичида мурожаат қилишингизни сўрайди.

Table with columns: Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. 262-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2010 й.да...

ФЕСТИВАЛЬ

«МАТЕМАТИКА ҚЎЙНИ ТЎЛА СИР БЎЛАДИ...»

Тошкент шаҳридаги Инха университетида «Қизиқарли математика» ўқув-амалий фестивали бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда юртимизнинг умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари, шунингдек, математика фанига қизиқувчилар иштирок этишди.

Фестивалнинг очилиш маросимида Тошкент шаҳридаги Инха университети ректори Ш.Шерматов ва бошқалар таъкидлашганидек, айни пайтда мамлакатимиз ҳамда Жанубий Корея ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Жумладан, фан-таълим йўналишида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, унинг самарасини университет фаолияти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Янги аср – ахборот, юксак технологиялар ва замонавий билимлар, олдимизда очилаётган янги истиқболлар асридир». Шу боис, бундан чўқур ангаб етган ёшларимиз орасида хорижий тилларни ҳамда замонавий илм-фан сирларини пухта эгаллашга интилаётганлар сафи тбора кенгайиб бормоқда.

Маълумки, юртимиз азал-азалдан дунё илм-фани ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган олим-муассасалар, буюк алломулар ватани. Бу ўқувчиларнинг алгебра, геометрия, физика, кимё, астрономия, тиббиёт фанлари шаклланишидаги хизматлари беқиёс. Усиб келаётган ёш авлодига ана шундай ажодларимизга муносиб этиб тарбиялаш, уларнинг истеъдод ва маҳоратларини, билим ва салоҳиятларини

юзга чиқариш учун барча имкониятлар етарли. Бугунги кунда Юртбошимиз раҳнамолигида таълимга қаратилаётган эътибор туғайли ажодлар даҳоси ва заковатини давом эттирадиган, миллий феноменимиз қудратини бор буй-басти билан кўрсата оладиган, руҳи ва фикри тоза баркамол авлод майдонга келмоқда. 2015 йилнинг август ойида Болгариянинг Влагоевград шаҳрида эллиқдан ортқ давлатнинг иқтидорли талабалар ўртасида ўтказилган 22-Халқаро олимпиадада ўзбек фарзандлари Ҳакимбой Эгамбердиев ҳамда Беҳзод Курбонбоевларнинг математика фанидан хали фанда кўлланилмаган усул билан масалаларни ечиб, олтин ва кумуш медални кўлга киритиши бунинг ёрқин мисолидир.

Математика фанини чуқур ўзлаштириш инсонда аниқ ва тахлили фикр юритиш қобилиятини шакллантиради, интеллект туал салоҳиятини янада оширади. Шунинг баробарида уни ўрганиш ҳам кишидан ўқир эҳён, кўнг ва юксак ақл-заковат талаб этади. «Қизиқарли математика» фестивалини ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳам болажонларнинг ушбу фанга бўлган қизиқшини янада ошириш, турли ўйинлар, машқлар орқали уни ўрганиш ва ўргатишининг янги



Айно АБДУЛЛАЕВА (Ўса) олган сурат.

усулларини намойиш этишдан иборат эди.

Фестивалда иштирок этган Жанубий Кореянинг нуфузли таълим муассасаларида фаолият юритаётган 20 нафар профессор-ўқитувчи болажонлар учун турли ўйинлар, викторина саволлари, қизиқарли машғулотлар ўтказиш орқали уларнинг билим ва маҳоратларини оширишди. Шунингдек, фестивалда голиб бўлган ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди. Тадбир юртимиздаги кўплаб иқтидорли болажонлар учун ўзига хос маҳорат майдони вазирасини ўтади.

– Бу фестивалда қатнашганимдан жуда хурсандман – дейди Олмазор туманидаги аниқ фанларга ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби ўқувчиси Ҳасан Иномов. – Математика энг

сеvimли фаним, бу ерда геоурилмадан фойдаланиб шакллари яшаш шартда голиб бўлдим. Бу ўйинни бошқа ўртоқларимга ҳам ўргатмоқчиман.

Фестивалнинг яна бир эътиборли томони шундаки, унда 9 ёшдан 15 ёшгача бўлган болажонлар визуал дастурлаш тили Scratch ёрдамида яратилган ўйинлар буйича «Дастурлаш соати»да иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Ушбу дастурлаш соатларда зўр иштиёқ билан қатнашган болажонлар ўзлари учун замонавий билимларнинг янги уфқларини очтишди.

Тадбирда Жанубий Кореянинг Инха университети профессорлари математиканинг қундалик ҳаётимизда тутган ўрни, уни самарали ўқитишнинг илгор усуллари, ўқувчиларни ушбу фанга

қизиқтиришнинг муҳим омиллари мавзусида қизиқарли маърузалар қилишди. Улар мутахассис кадрлар тайёрлаш буйича ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикр билдирар экан, юртимиздаги таълим жараёнларини юқори баҳолашди.

– Математикага бўлган қизиқшини болаликдан бошлаб уйғотиш керак – дейди профессор Парк Женан – Фестивалда иштирок этаётган ёшларнинг интилишларини кўриб, Ўзбекистоннинг эртанги қуни ишончли қўлларда эканига яна бир ишонч ҳосил қилдик. Бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши, юртингизда таълим соҳасига қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир кўриниши десак, муболага бўлмайди.

Фестиваль доирасида мамлакатимиздаги мактаб, лицей ва коллежларнинг математика фани ўқитувчилари ўртасида он-лайн тарзда ўтказилган танлов голибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унга кўра, биринчи ўрин Тошкент халқаро Вест-министр университети қошидаги академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси Елизавета Анга, иккинчи ўрин Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси Сардор Пирнапасова, учинчи ўрин Қашқадарё вилояти Китоб шаҳридаги 3-академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси Ойбек Шариповга насиб этди. Бу каби танловларнинг ташкил этилиши юртимизда таълим соҳасида кадрлар салоҳиятини такомиллаштиришнинг муҳим мезони бўлиб хизмат қилади.

Тадбир ўқувчилар ўртасида математика фанининг оммалашши, уни ўрганишда янги усул ва технологияларнинг жорий этилиши муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни янги босқичга қўтаришга, фан-таълим соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хуллас, сеvimли шоиримиз Муҳаммад Юсуф ўз шеърини айтганидек, «математика қўйни тўла сир бўлади». Бугун ёш авлод бу сирларни нафақат мукамал аниқлаётганлигига, балки уларни ечиш йўллари топаётганлигига мазкур фестивал мисолида яна бир бора амин бўлдик.

Инобат МАТЁКУБОВА,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Тошкент Вилояти

САРМОЯЛАР – ЭЗГУ ҒОЯЛАРГА

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ФИЛИАЛЛАРИ ТОМОНИДАН АЖРАТИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



МИКРОКРЕДИТБАНК

Хар қандай тадбиркорлик, аввало, пухта бизнес-режа, сўнгра молиявий маблағ орқали шакллантирилади. Шу маънода айтганда, тадбиркорнинг иши молия муассасаси билан ҳамкорликда амалга оширилади. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, мустаҳкамланмоқда, молия муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этиб келаётган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятида ҳам бунга аққол кўриши мумкин.

○ РЕКЛАМА ҲУКУКИДА

Молия муассасаси амалга ошираётган, маблағ йўналтириётган ишларнинг пировард мақсади мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишдир. Бу жараёнда эса мижозлар – тадбиркор ва ишбилармонларнинг истиқболли лойиҳалари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Зангиота туманидаги «Brillant oq qand» корхонаси ҳам банк томонидан ажратилган имтиёзли кредит асосида ўз фаолиятини янада кенгайтирмоқда ва аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда.

Ушбу корхона жамоаси аҳолини қандолат маҳсулотлари билан таъминлашни мақсад қилган эди. Корхонанинг бу мақсадини банк қўллаб-қувватлади. Яъни хомашё сотиб олиш учун 35 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Сармоя самарасида корхона фаолияти барқарорлашиб, бир нечта янги иш ўрни ҳам яратилди.

Умуман олганда, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш йўлида молия муассасасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Банк томонидан йўналтирилаётган сармоялар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эътиёрли барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда, янги иш ўринлари яратиш – аҳолини иш

билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Бекобод туманидаги «Бекобод нон савдо» корхонаси ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлик субъектларидан биридир. Утган йилда корхона жамоаси нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида бизнес-режа билан банкка мурожаат қилган эди. Уларнинг бу ташаб-

буси молия муассасаси томонидан маълумланди. Яъни корхонага 38 миллион сўмлик кредит маблағи ажратилди. Сармояни мақсадли сарфлаган корхона жамоаси фаолиятини нафақат барқарорлаштириш, балки қўшимча учта янги иш ўрни яратиш имконига ҳам эга бўлишди. Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мижозларга манзур бўлиб, харидорлар кўпайиб бормоқда.



Оқил ҚУЛМОНОВ (Ўса) олган сурат.

Олмалик шаҳридаги «Барно бону савдо» хусусий корхонаси эса аҳолини парҳезбop гўш билан таъминлаб келаётган корхоналардан биридир. Фаолиятини йил сайин ривожлантириб бораётган ушбу кичик бизнес субъекти ўтган йилда ҳам молия муассасасининг мадади билан янги йўналишларни ишга солди. Корхонанинг айланма маблағини тўлдирish мақсадида банк томонидан йўналтирилган 120 миллион сўмлик кредит тезда ўз натижасини берди. Қўллаб зотли жўжалар олиб келиниб, парварилшана бошлади, уларнинг озуқа базаси мустаҳкамланди. Энг муҳими, 2 та янги иш ўрни яратилди. Даромад ҳам шунга яраша ортиб, корхона иқтисодиёти раванқ топа бошлади.

Банкинг мижозлар билан ишлашда ҳамда юрт иқтисодиётини ривожлантиришдаги ҳиссаси ошиб боришида ҳам Юртбошимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари муҳим аҳамият касб этаётди. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

кенгайтирилишини рағбатлантириш босқисига қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига асосан банк томонидан рақобатбардош, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда турларини кенгайтириш рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун сармоялар йўналтирилмоқда.

Чирчиқ шаҳрида фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркор Шахно Оқмирзаева ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган ишбилармонлардан биридир. У ўтган йилда тадбиркорлик фаолиятини бошлаган эди. Унга бошланғич сармояни шакллантиришда банкнинг мадади кўп қўлди. Молия муассасасининг имтиёзли кредити билан тикувчилик фаолиятини бошлади. Бугун тадбиркор ўз хунари билан нафақат ўзининг оиласига, балки яратилган иш ўринлари билан бошқаларнинг оиласига ҳам бароқа олиб кирмоқда. 3 миллион сўмлик сармояга замонавий тикувчилик дастгоҳлари олган тадбиркорнинг ишлари кун сайин ривож топмоқда.

Паркент туманидаги «Super Cleaning» масъулияти чекланган жамияти ҳам айнан тикувчиликка ихтисослашган. Турли дизайндаги кийим-кечаклар тайёрланаётган корхонада касб-хунар коллежларини туғатган ёшлар меҳнат қилаётди. Утган йилда банкнинг 15 миллион сўмлик кредити эвазига корхона томонидан янги дастгоҳлар сотиб олинган эди. Бу билан нафақат корхона мижозлари, балки жамоа сафи ҳам кенгайди. Корхона жамоаси эришилаётган муваффақиятларининг муҳим омилли сифатида банкнинг молиявий қўллаб-қувватлашида деб билади. Сирасини айтганда, мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш қаратилган ислохотлар натижасида барча молия муассасалари каби «Микрокредитбанк»нинг Тошкент вилояти филиаллари фаолиятининг ҳам самарадорлиги ошмоқда. Бу эса вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ҳамда худуд иқтисодиётининг юксалишига мустаҳкам замин яратмоқда.

Анвар БОТИРОВ

Хизматлар лицензияланган.

<p>Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-овқат тармоқларида ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ТЕШАЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Соҳибжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Абдуваҳоб ТАМИКЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Беш муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>ISSN 2010-7023</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 233-76-78, Иجتимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.</p> <p>ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99893) 940-00-27; Навоий – (+99894) 374-77-62; Наманган – (+99893) 948-53-86; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.</p>	<p>РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир: А.ҚАРШИЕВ Муассасаси: М.БОБОМУХАММЕДОВА Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ</p>
--	---	--	--	--	--	---